


Ҳақларни эгасига қайтариладиган кун



11:06 / 30.06.2020 2352

Жонзотлар, ҳайвонлар дунёда мукаллаф бўлмасалар-да, қиёмат куни шохсиз қўй шохли қўйдан ўч олади. Шундай бўлгач, дунёда мукаллаф бўлган инсонлар ўртасидаги ҳақлар борасида нима деб ўйлайсиз?

Одамларни ўлдирган қотил, одамларга зулм қилган золим, кишиларни алдаган ёлғончи, инсонларнинг ҳақларини еган кимсалар дунёда қочиб юрган бўлсалар-да, охирада ҳам қочиб қутула оладилар деб ўйлайсизми? Аллоҳга қасамки, асло йўқ! Аксинча, қиёмат куни ҳисоб, ажрим кунидир. У кунда ҳақлар эгаларига қайтарилиб, дунёда хусуматлашганлар ўртасида адолатли ҳукм чиқарилади. У кунда одамларнинг кўз ўнгида ҳақиқатлар юзага чиқади. Ҳар бир жон қилган касбига, амалига яраша мукофот ёки жазо олади. У кунда ҳеч кимга зулм қилинмайди. Ҳеч кимнинг ҳаққи зое бўлмайди. Ҳеч бир мазлум чорасиз қолмайди, ҳеч бир золим ўзини қутқарадиган дўст, ёрдамчи топа олмайди. Ўша кунда мулк Воҳид (Ягона) ва Қаҳҳор (Ғолиб) Аллоҳники бўлади. Аллоҳ таоло ўша кунда бандалари ихтилоф қилган нарсалар борасида ҳукм қилади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

????????? ?????????? ?????? ??????? ?????? ?????????? ?

??? ??????? ????????????? ? ?????? ?????????? ??????????

?????????????

«Бугунги кунда ҳар бир жон ўзи қилган касбга яраша жазо олур. Бугунги кунда зулм йўқдир. Албатта, Аллоҳ ҳисобни тез қилгувчи зотдир» (Ғофир сураси, 17-оят).

??????? ?????? ?????????????? ?????? ?????? ?????????? ??????

?????????????? ?????????? ??????? ?????????????? ?????????????? ?????????:

«????????????????? ?????????????? ?????? ?????????????? ?????????

????????????????? ?????????? ?????????? ??????????????

????????????????? ?????? ?????????????? ??????????????????»

(????????? ?????????? ??????????????????????).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, қиёмат куни ҳақларни ўз аҳлига адо қилурсиз. Ҳаттоки шохсиз қўйга шохли қўйдан ўч олинади» деганлар.

Имом Муслим ва Имом Термизий ривояти.

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади.